2012 йил 15 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (12.113)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Мусиқа санъати

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган эзгу чора-тадбирлар янгидан-янги истеъдод соҳибларини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.***



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

## ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Францияда шу йил 18-27 февраль кунлари бўлиб ўтган А.Глазунов номидаги VII халқаро танловда Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Алирна Қориева Гран-прига сазовор бўлгани, Достонбек Ғуломжонов, Абдуборий Абдуғаффоров, Машҳура Азизова, Заҳрохон Каримова, Бобур Маҳкамбоев эса скрипка ва виолончель ижрочилиги бўйича биринчи даражали диплом билан тақдирлангани бунинг яна бир амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон мусиқасининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда муҳим омил бўлмоқда. Мусиқа таълимини ривожлантиришга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор самарасида ёш мусиқачиларимиз турли нуфузли танловлар, ижодий фестиваль ва концертларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида Францияда бўлиб ўтган халқаро танловда ўзбекистонлик ўқувчилар билан бирга Бельгия, Буюк Британия, Германия, Канада, Жанубий Корея, Швеция, Латвия, Литва сингари ўндан зиёд мамлакатнинг ёш созандалари қатнашди. Ҳамюртларимизнинг ижро маҳорати, истеъдоди халқаро танлов ҳакамлар ҳайъати, мусиқа ихлосмандлари томонидан алоҳида эътироф этилди.

– Ижодий танловда ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар ижро этдик, – дейди ЎзА мухбирига А.Қориева. – Жонажон Ватанимизнинг, устозларимиз, ота-онамизнинг ишончи бизни қўллаб-қувватлаб турди. Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор барча эзгу орзуларимизнинг рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда.

Ҳозир 850 нафардан ортиқ ўғил-қиз билим олаётган ушбу лицейда ўқувчиларнинг мусиқа сирларини пухта ўзлаштириши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган. Мусиқа асбоблари билан таъминланган ўқув, машғулот хоналари, умумтаълим фанлари бўйича синфхоналар ўқувчилар ихтиёрида. Лицей ўқувчилари ўтган вақт мобайнида Италия, Руминия, Франция, Германия, Украина каби кўплаб давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танловларда муваффақият қозонган.

**Назокат УСМОНОВА**



***Юртимизда кўкламнинг илиқ насимлари эсмоқда. Баҳорнинг энг кўркам, гўзал байрами Наврўз – янгиланиш, табиатнинг уйғониш шодиёнаси ҳисобланади. Мана шу ажойиб фаслда халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилади, баҳор таоми – сумалак тайёрланади.***

Байрам арафасида шаҳару қишлоқларимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари қизғин паллага киради. Маҳалла ва турар жойлар орасталанади, зиёратгоҳ ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилади, кўча ва хиёбонларга манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилади. Уюшқоқлик, бирдамлик асосида ўтаЮракларга экилган оқибат дарахтнинг асл ўзаги кўнгилларга бориб тақалади. Кўнгил парвариши эса ўзаро меҳр-муҳаббат, дили хасталарни йўқлаш, қалбларни кувонтириш каби эзгу амаллардан сув ичиб турмоғи зарур. Ҳозирда, айниқса Наврўз шодиёналари арафасида бундай эзгу юмушлар миқдори янада ошади.

## МАҲАЛЛАЛАРДА НАВРЎЗ НАФАСИ

диган бундай эзгу ишлар халқимизнинг азалий қадриятлари – ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Халқимиз орасида меҳр-оқибат, хайр-саховат, катталарга эҳтиром, ёшларга иззат туйғулари азалдан қадрланган. Бу борада диёримизда боқий ҳикматлар мавжуд. Ҳали олам шаклланмаган бир замонда ер юзидан на япроғи, на меваси йўқ, фақатгина шохи ва илдизи бўлган дарахтни судраб ўтишибди. Йўл-йўлакай қайси бир халқ унинг шохчаларидан, яна бири илдизпояларидан синдириб олибди. Бизнинг аждодларимиз эса, дарахтни маҳкам қучиб, она замин бағрига ўтқазиб, ардоқлаб, парваришлабди. Меҳрдан баҳра олган дарахт яшнаб, сархил мевалар берибди. Инсонлар уни авайлаб, ардоқлаб «Оқибат» дарахти дея номлашибди.

Наврўз байрами арафасида илиқ сўз, иссиқ нигоҳ излаётган дил дардига малҳам бўлиш, атрофни обод қилиш, яхши ниятлар ила кўчат экиш, ҳашар ўтказиш халқимизнинг азалий анъаналаридан ҳисобланади. Бундай тадбирлар замирида аждодларимизнинг фарзандлари қалбига Ватанга меҳр туйғуларини жо қилиш, табиатга бўлган бекиёс муҳаббати, эзгу анъаналарни, билим ва тажрибасини келгуси авлодларга мукаммал ҳолда етказишга интилиши намоён бўлади. Ушбу бебаҳо қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш истиқлол йилларида маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди.

*(Давоми 3-бетда)*

## СТАТИСТИКА — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ КЎЗГУСИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил этишда статистика тизими муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси мазкур йўналишда самарали фаолият олиб бормоқда.***

Мазкур қўмита томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида статистика тизимида амалга оширилаётган ишлар, қўмитанинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, статистик маълумотларни юритиш ишлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Мирусмонов журналистларга атрофлича ахборот берди. Ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этди. 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ва сифат ўзгаришлари самарасини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши юқори бўлиб, аҳолининг асосий қисми ушбу тармоқда фаолият юритмоқда. Шу боис мазкур соҳа вакилларининг статистика органлари билан боғлиқ фаолияти янада соддалаштирилмоқда. Ҳозир йигирмадан ортиқ давлат статистика ҳисоботи шаклларини электрон кўринишда тақдим этиш имконияти яратилган. 2012 йил якунларига кўра бу кўрсаткични қирқдан ошириш мўлжалланмоқда.

Фирма номларини заҳирага қўйишнинг электрон тизими яратилди. 2011 йилда ушбу йўналишда 77 мингдан ортиқ сўровнома тушган бўлса, уларнинг 53 мингдан ортиғи қонунчилик талабига мос равишда заҳирага олинди.

Тизимда тезкорлик, аниқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар учун янада қулайликлар яратиш мақсадида қўмитанинг расмий веб-сайти орқали интерактив хизматлар турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

### Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлсин

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

**17-18 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.**

*Ҳашар — элга ярашар, дейдилар. Ўлкамизга файз-таровват ила яқинлашиб келаётган Наврўзи олам шодиёналари арафасида ҳамжиҳатликда, якдиллик билан яратиш, яшнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош қўшайлик.*

*Умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиб, маҳаллаларимиз, кўчаларимиз ва хонадонларимизни ораста ва обод этайлик.*

*Озодалик, хуш кайфият ва ободлик билан Наврўзга пешвоз чиқсак бутун йилимиз файзли, баракотли, қувончли воқеаларга тўлиқ ўтади, азизлар.*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ОАВ иштирокида «2011 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йилда адлия органлари олдида турган муҳим вазифалар»га бағишланган анжуман ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари ҳамда шаҳар касаба уюшма фаоллари иштирокида «Оммавий спортни ривожлантиришда касаба уюшма ташкилотларининг кўмаклашуви борасида олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифалар» мавзуидаги тадбир ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Тошкентда «Атроф-муҳитни қўриқлаш ва иқлим ўзгариши. Фуқароларда экологик онгни шакллантиришда экожурналистиканинг аҳамияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идоралар ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар иштирок этди.

● Наврўз байрами арафасида Қаршида «Марказий буюм савдо мажмуаси» фойдаланишга топширилди. Бу ерда 4 миллиард сўмликдан ортиқ реконструкция ишлари бажарилгач, 2,6 гектарлик мажмуа бутунлай янгича қиёфа касб этди. Айни пайтда барча қулайликка эга 430 та турғун шохобча аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатмоқда. Лойиҳа муаллифи Норқул Эшонқуловнинг айтишича, мажмуани қайта бунёд этишда шаҳар иқлим шароитига алоҳида эътибор берилган.

● Қизириқ туманидаги «Бандихон карьер» хусусий корхонасида йилига 20 минг кубметр ҳажмдаги шағал ва қум саралаш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди. Мазкур лойиҳа 100 миллион сўм эвазига рўёбга чиқарилди. Корхона маҳсулотлари, асосан, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида турар жойлар қураётган ташкилотларга етказиб берилмоқда. Туманда бунёдкорлик ишлари кўлами ошиб бораётгани боис корхона жамоаси ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. Қизириқда 2011 йил давомида қарийб 500 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилиш материаллари тайёрлашга мўлжалланган 3 та корхона ишга туширилди.

● Бухоро шаҳрида саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ, 2011 йилда 23 та лойиҳа амалга оширилиб, 284 та иш ўрни яратилди. Ана шу лойиҳалардан бирини «Макма» масъулияти чекланган жамияти амалга оширди. Бу ерда замонавий русумдаги эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 3,5 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга янги линияни ишга туширишда корхонанинг ўз маблағларидан ташқари, банкнинг молиявий кўмагидан ҳам самарали фойдаланилди. Айни пайтда жамиятда пайпоқ тўқиш цехини очиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

### ЖАҲОНДА

● «Reuters» АА хабарига кўра, жорий йилнинг январь ойида еврохудудга аъзо мамлакатларда ишсизлик даражаси 10,7 фоизга етган ва ўтган йил охирида бу кўрсаткич 10,3 фоизга тенг эди.

● Россиянинг Табиат ресурслари ва экология вазирлиги яқинда эълон қилган маърузасида қайд этилишича, 2010 йил натижаларига кўра, Москва шаҳри энг ҳавоси бузилган шаҳарлар рўйхатидан жой олган. Яъни 2010 йили Москва шаҳри ва Москва областида автомобиллардан чиққан заҳарли газлар миқдори рекорд даражага етган. Чунончи, Москва шаҳрида 890 минг тонна, пойтахт атрофида эса 730 минг тонна заҳарли газ айнан автомобиллардан ҳавога чиқарилиб, экологияга катта зарар етказилган.

● Canon компанияси тўрт йил ичида ўз харажатларини 4,84 миллиард долларга қисқартиришни режалаштирган. Фотокамера ишлаб чиқарувчи корхона бундай натижага роботлар сонини кенгайтириш орқали эришмоқчи.

● Кеча Япон денгизи қирғоқларида 6,8 балли зилзила юз берди, натижада баландлиги 10 сантиметрдан ошмайдиган тўлқин ҳосил бўлган.

● Швейцарияда бельгиялик туристлар автобуси ҳалокатга учради. 28 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, улардан 22 нафари болалардир. Кўплаб йўловчилар оғир жароҳатланган.

# ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

## Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни кучга кирди

***Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор ва рақобат – замонавий иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч, уни ривожлантиришнинг бошқа ҳар қандай омиллардан кўра қудратли ҳамда амалий механизмидир. Рақобат қанча кучли ва унинг намоён бўлиши учун шароитлар нечоғли яхши бўлса, бозор шунчалик самарали фаолият кўрсатади.***

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозимлигини, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни жорий этиш, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни унга киритиш зарурлигини таъкидлаган.

Мамлакатимизда 2012 йил 7 январдан «Рақобат тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Мутахассислар ва тадбиркорларнинг фикрига кўра, қонун бозордаги мавжуд шароитларга имкон қадар яқинлаштирилган, янги нормаларни ўзида мужассам этган, унда айрим асосий таърифларга аниқлик киритилган, алоҳида моддаларга изоҳлар келтирилган бўлиб, баъзи бир моддалар анча либераллаштирилган.

**ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик бўлими бошлиғи Валентина ДУБРОВСКАЯ билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

**– Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунининг қабул қилинишига қандай омиллар сабаб бўлди?**

– Мамлакатимиз иқтисодиётида хўжалик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштириш, қонунчилик базасини такомиллаштириш ва бозор иштирокчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган ижобий ўзгаришлар «Рақобат тўғрисида»ги қонунни қабул қилишга сабаб бўлди. «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги асосий қонун 1992 йилда, бозор муносабатлари энди шаклланаётган пайтда қабул қилинган эди. 1996 йилда товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб берган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги иккинчи қонун қабул қилинди. Ушбу қонун товар бозорларида рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароит яратишга қаратилган бўлиб, бу жараёнларни тартибга солиш борасида муайян тажриба тўплаш имконини берди.

Кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш асосини ташкил қиладиган меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Бу тадбиркорликнинг барқарор ривожланишига, товар бозорларининг маҳсулотлар билан тўлишига ва рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Рақобат соҳасидаги самарали давлат сиёсатини амалга ошириш натижасида товар ва хизмат бозорларини монополлаштириш даражаси кескин пасайди. Охирги ўн йилнинг ўзида монополист корхоналар сони 75,2 фоизга, иқтисодиётнинг монополлашув индекси сўнгги уч йилда 20 фоизга камайди. Бу рақобатнинг тобора ривожланаётгани ва товар бозорларида устун мавқега эга корхоналар сонининг кескин қисқараётганидан далолат беради. Ҳалиҳамон сақланиб турган монополлашган бозорларда иштирокчиларнинг ҳаракатлари тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон иқтисодиётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг молиявий масъулиятини эркинлаштириш, назорат вазифаларини бажариш тизимини қисқартириш ва яхшилашга қаратилган янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

**– «Рақобат тўғрисида»ги қонун аввалги қонундан қандай принципиал жиҳатлари билан фарқланади?**

– Янги қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири монополияга қарши тартибга солишнинг бугунги кунда фаол ривожланаётган молиявий хизматлар бозорига татбиқ этилишидир. Илгари бу соҳа қонун билан қамраб олинмаган эди ва бу мазкур бозорда рақобатга қарши ҳаракатларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш имконини бермасди. Янги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ молия бозори – банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади.

Асосий тушунчаларга аниқлик киритиш билан бир қаторда «Рақобат тўғрисида»ги қонунга «молиявий хизмат», «тегишли бозор», «рақобатга қарши ҳаракатлар», «иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш», «келишиб олинган ҳаракатлар», «иқтисодий концентрация» каби янги тушунчалар ҳам киритилди. Бу қонунни қўллаш механизми ва соҳасини белгилаб олиш, ҳуқуқбузарликлар хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Асосий тушунчаларнинг тез-тез қўлланилиши ва уларда ўзига хос қўллаш механизмлари мавжуд бўлганлиги сабабли ҳамда уларнинг амалда бир хил ва аниқ қўлланилишини таъминлаш мақсадида «устун мавқе», «шахслар гуруҳи», «монопол юқори нарх» ва «монопол паст нарх» каби тушунчалар қонуннинг алоҳида моддаларига киритилди.

Мисол учун, қонуннинг 6-моддаси «устун мавқе» тушунчасининг принципини ўзгартириб, бундай мавқени товар ва хизматлар бозорида ўрнатиш ва бозордаги улушини камайтиришнинг янада аниқ мезонларини мустаҳкамлайди. Илгари товар ёки молия бозорида товарлари ёки хизматларининг товар бозоридаги улуши 65 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган субъектнинг мавқеи устун деб эътироф этилган бўлса, тадбиркорлик тобора ривожланган сари бундай тузилмалар деярли қолмади. Товар ва хизматлар бозорида бу кўрсаткичдан кам ҳажмдаги улушга эга хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қатор йиллар мобайнида улушнинг барқарор бўлиб туриши шарти қўлланиларди ва бу ҳар доим ҳам таъминланмас эди. Янги қонун устун мавқени эътироф этиш учун лозим бўлган юқори чегарани пасайтирди. Эндиликда хўжалик юритувчи субъектнинг товар ёки хизматлар бозоридаги улуши 50 ёки ундан ортиқ фоизни ташкил этса, ёки 35 фоиздан 50 фоизгача ҳажмда бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) тегишли улушларга нисбатан камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши, бу бозорга янги субъектларнинг киришига имконият бўлиши шартлари белгиланган бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади.

Эски қонуннинг бир шахс, бир гуруҳ шахслар хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталидаги ўттиз беш фоиздан ортиқ акциялари, улушлари ва овозига эга бўлиши учун розилик олиши ҳақидаги нормаси ҳажми 35 фоиздан ортиқни ташкил этган ҳар бир битим бўйича, уларнинг ҳажмидан қатъи назар, розилик олиш учун мурожаат қилиш зарурлигига сабаб бўларди. Айни пайтда акция сотиб олишни назорат қилишни талаб этадиган бошланғич қиймат энг кам иш ҳақининг 4 минг баробарини ташкил этарди ва бу барча хўжалик юритувчи субъектларни қамраб оларди. Шу сабабли бозор субъектининг хўжалик юритиш фаолиятига таъсир кўрсатиш ва шу орқали рақобатни чеклаш йўли билан товар бозорларининг монополлашувига йўл қўймаслик мақсадида хўжалик юритувчи субъект устав капиталидаги 35 фоиздан ортиқ акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича битимларни назорат қилиш монополияга қарши янги қонун йўналишларидан бири ҳисобланади. Активлар баланс қийматининг бошланғич нархи пастлиги сабабли битимларни мувофиқлаштириш ортиқча юк ҳисобланади ҳамда хўжалик юритувчи субъект ва монополияга қарши орган ресурсларининг беҳуда сарфланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилингач, акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаси 10 баробардан ортиқ кўпайди ва бу уларга тегишли бўлган активлар миқдорида ўз аксини топди. Шу орқали акциялар ёки улушларни сотиб олиш бўйича битимларда иштирок этаётган инвестор ва эмитент активларининг жами қиймати амалдаги қонун томонидан белгиланган энг юқори кўрсаткичдан ошди. Кичик корхоналар улушларини сотиб олиш бўйича битимларни назорат қилишни мустасно қилиш мақсадида янги қонунда бошланғич қиймат битимларда иштирок этаётган хўжалик субъектлари активларининг таҳлили инобатга олинган ҳолда энг кам иш ҳақининг 100 минг баравари миқдорида белгиланди.

Ҳуқуқларнинг 35, 50, 75 фоиздан ортиқ акциялар (улушлар) пакетини сотиб олувчига ўтишини назорат қилиш (35 фоиздан ортиқ бўлган ҳар қандай харидни назорат қилиш ўрнига) хўжалик субъектлари зиммасига битимлар тузиш ва ҳаракатларни амалга ошириш учун олдиндан рухсат олиш зарурати билан боғлиқ маъмурий юкни кескин камайтириш имконини беради. Монополияга қарши орган розилигини олиш лозим бўлган акциялар, улушлар пакетларининг миқдори Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, акциядорлар умумий йиғилишларида қарор қабул қилишга таъсирини ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилар томонидан инвестиция воситачилари орқали акциялар олди-сотдиси битимларини тузиш ҳамда акциялар ёки улушларни ишончли бошқарувга бериш устидан назоратни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Негаки, бозорнинг мазкур иштирокчилари рақобатни ривожлантиришга таъсир кўрсатмайди. Янги қонун бозорнинг мазкур иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган битимларни келишиш шартларини татбиқ этилмасликни кўзда тутади ва ушбу соҳадаги фаолиятни кенгайтиришни таъминлайди. Амалдаги қонунчиликни инобатга олиб, банк соҳасида битимларни тузиш устидан назорат ўрнатилди ва бу вазифа «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда Марказий банк зиммасига юклатилди.

Қонунга киритилган мазкур норма монополияга қарши тартибга солишга янада самарали ёндашишни, хўжалик юритувчи субъектлар ресурсларидан фойдаланишни таъминлайди, акциялар (улушлар) ва бошқа мулк ҳуқуқларини сотиб олиш учун олдиндан розилик олиш тартиб-қоидаларини енгиллаштиради.

Қонунда монополияга қарши органга товар белгиларига патент олишда инсофсиз рақобат ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилгани бу борадаги яна бир янгилик бўлди. Илгари бу жараён қуйидагича амалга оширилар эди. Масалан, бозорда янги маҳсулот пайдо бўлди. Истеъмолчи унга кўникиши, шу турдаги бошқа маҳсулотлардан ажратиши учун ишлаб чиқарувчи уни товар белгиси билан белгиларди, аммо бу белгини рўйхатдан ўтказмас эди. Тадбиркор эса товарни бозорда сотиш учун катта маблағ сарфлар, маҳсулотга бўлган талаб ва уни сотиш ҳажмлари ортиб борарди. Бу, ўз навбатида, корхонанинг муваффақиятли ривожланишига ижобий таъсир кўрсатарди. Аммо рўйхатдан ўтказилмаган, ҳуқуқий ҳимояланмаган товар белгиси инсофсиз рақобат учун асос бўлиб хизмат қиларди.

Рақобатчилар ўзгаларга тегишли рўйхатга олинмаган ва бозорда ўз ўрнига эга маҳсулотни ўзлаштириб, рўйхатдан ўтказган ва шу белги остида ўзининг нисбатан сифати паст маҳсулотини ишлаб чиқарган ҳолатлар қайд этилган. Натижада инсофли тадбиркорлар зарар кўриб, обрў-эътиборига путур етарди. Қолаверса, инсофсиз йўл билан «ўзлаштриб олинган» товар белгиси учун патентни қўлга киритган инсофсиз рақобатчилар ўз даъволарини билдириб, аввалдан шу товар белгиси остида ишлаб чиқарилаётган товарнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш ва уни етказиб берилишини тақиқлашга эришиши мумкин эди.

Илгари ҳам инсофсиз рақобат ҳолатлари кимдир ўзгаларга тегишли рўйхатдан ўтган товар белгисидан фойдалангани эътироф этилган ва кўриб чиқилган. Бироқ, бундай ҳоллар бошқа ишлаб чиқарувчилар амалиётида қўлланиши ёки қўлланилмаслиги қонунчиликда назарда тутилмаганди. Бу, ўз навбатида, турли низоларга сабаб бўлган. Янги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорларни инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Энди Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси шу мазмундаги ахборотни талаб қилиш, суриштирув ўтказиш, инсофсиз рақобат бўлгани ёки бўлмагани ҳақида қарор қабул қилиб, уни ваколатли орган ёки судга мурожаат қилган аризачига етказишга ҳақли. Интеллектуал мулк агентлиги далиллар мавжудлигини инобатга олиб, масалани кўриб чиқиши ва товар белгисининг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунга киритилган яна бир янги, 11-модда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлайди. Хусусан, ушбу моддага кўра, нархларни белгилаш, ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатиш ва бошқа ҳолатлар бўйича келишиб олинадиган ҳолатлар тақиқланади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар бозорда ягона нарх ўрнатиш ҳақида ўзаро келишиб олишлари мумкин. Бу эса истеъмолчига танлаш имконини бермайди. Яна бир мисол – томонлардан бири фақат иккинчисига хомашё етказиб бериши ҳақида келишиб олиши мумкин. Агар бундай битимлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлса, уларни текшириш осон. Аммо, битим оғзаки келишувга асосланган бўлса, таҳлил ўтказиш, субъектларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатларини кузатиш лозим.

Бундан ташқари, битим имзоланиб, уни ноқонуний деб эътироф этиб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам маълум. Бу ерда, айниқса, ресторан бизнесида қўлланиладиган франчайзинг назарда тутилмоқда. Масалан, бир номга эга, лекин турли мулкдорларга тегишли ресторанлар тармоғи мавжуд. Бу ҳолда ҳуқуқ эгаси бошқа тадбиркорлар билан шартнома тузиб, уларга ўзига тегишли брэнднинг имиджи, ишбилармонлик обрўсини сақлашга қаратилган бир қатор шартлар билан ўз товар белгисидан фойдаланиш имконини беради. Қонуннинг 11-моддасида бу қуйидагича ифодаланган: «Бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган, бошқаси эса сотувчи ёки сотиб олувчи бўлган, ўзаро рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига, агар бундай келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар пировард натижада рақобатни чеклаб қўйса ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни реализация қилишни тақиқлайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига йўл қўйилмайди. Ушбу тақиқ товарларни товар белгиси, фирма номи ва сотувчининг интеллектуал мулк объектларига бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлари орқали реализация қилишни сотиб олувчи томонидан ташкил этиш тўғрисидаги битимларга нисбатан татбиқ этилмайди». Шундай қилиб, қонун рақобатни чекламасдан биргаликда ишлаётган хўжалик юритувчи субъектларни ҳимоя қилади.

**– Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганларга нисбатан қандай жазолар қўлланилади?**

– Рақобатга оид қонун ҳужжатларини бузганларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади. Хусусан, қонуннинг 5-бобида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, жумладан, тил бириктириш (картель) ва рақобатга қарши битимлар тузганлик учун жарималар солиш тартиби киритилган. 6-боб рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартибини, шунингдек, монополияга қарши органнинг қарори ҳамда кўрсатмасини ижро этиш ва уларнинг устидан шикоят бериш тартибини ўз ичига олган.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги қонунга мувофиқ, монополияга қарши органлар келишиб олинган ҳаракатлар иштирокчиси бўлган ва монополияга қарши органларга бундай келишувни аниқлаш ҳамда фош қилиш ҳақида маълумот берган (кўмаклашган) компанияга нисбатан жарималар қўлламайди. Мисол учун, 28-моддага кўра, рақобатни чекловчи ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, йўл қўйиб бўлмайдиган битимлар тузганлиги ҳамда келишиб олинган ҳаракатлар содир этганлиги ҳақида монополияга қарши органга биринчи бўлиб ихтиёрий равишда маълум қилган шахс ушбу қоидабузарлик учун жарима тўлашдан озод қилинади.

**– Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган «Рақобат тўғрисида»ги қонуни бозор иштирокчилари ва тадбиркорлар учун яна қандай имкониятлар беради?**

– Янги қонун рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, аввал кўплаб алоҳида қонуности ҳужжатларидан иборат нормаларни бирлаштиради ва мазкур соҳадаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинишининг ошкоралиги ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, қонун монополияга қарши тартибга солиш соҳасига оид қонунчиликдаги зиддиятлар ва инобатга олинмаган жиҳатларни бартараф қилади, тадбиркорлик субъектлари фаолияти, товарларнинг эркин ҳаракатланиши учун шароитлар яратади, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш имконини беради. Буларнинг барчаси мамлакатимизда рақобатни ривожлантириш, товарлар ва хизматлар бозорларида рақобатни ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**
**суҳбатлашди**

# «Наврўз – 2012»

# ОГОҲЛИК — ОСОЙИШТАЛИК ВА ОБОДЛИК ОМИЛИ

***Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади. Мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити халқимиз фаровонлиги, юртимиздаги тўкинлик ва қут-бараканинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Наврўз байрамини катта хурсандчилик билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир бор яққол намоён бўлмоқда.***

Бу айёмнинг тартибли ва уюшқоқлик билан ўтиши ички ишлар идоралари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шу боис соҳа ходимлари асосий эътиборни умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, йўл-ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймасликка қаратмоқда. Бу борада жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

– Жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик асосида олиб бораётган ишларимиз жамиятимиз барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Бахтиёр Эгамбердиев. – Нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки унинг олдини олиш, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётир.

Шу кунларда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Ҳар бир туман, маҳаллада ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тушунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзуидаги учрашувлар шулар жумласидандир. Бу каби профилактика ишлари кейинги йилларда мунтазамлик касб этаётгани туфайли одамларимиз онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётир.

Пойтахтимизнинг ҳар бир маҳалла ва кўчаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш», «Антитеррор» тадбирлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тадбирлар давомида аниқланган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтимиздаги мавжуд 476 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли хил тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериб, ишлар самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган доимий эътибор осойишталик ва фаровонликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. Бу борада ички ишлар идоралари томонидан наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлиги ўтказиб келинаётир. Февралда пойтахтимиз мактаблари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ва маҳаллалар ёшлари орасида ўтказилган ушбу ойлик доирасида нафақат бундай иллатлар, балки одам савдоси, диний экстремизм каби мудҳиш жиноятларнинг оқибатлари чуқур тушунтирилди. Ушбу мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари ҳозир корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда давом эттирилмоқда.

Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик борасида доимий рейдлар ўтказилмоқда. Жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида бу борадаги қоидаларга риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда текширишлар ўтказилди. Натижада ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган 339 нафар фуқарога 14,5 миллион сўмликдан ортиқ жарима қўлланилди. Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган майдонлар ва истироҳат боғларида ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилиши билан бирга уларнинг барчасида соҳа ходимларининг навбатчилиги ташкил этилган.

Байрам кунлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, йўл белгиларини ёрқинроқ акс эттириш, светофор ва йўл чизиқларини янгилаш юзасидан қатор ишлар бажарилди. Энг муҳими, кенг, равон ва чиройли кўчаларимизда ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчилари томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар тобора камаймоқда.

Олиб борилаётган бундай кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида пойтахтимизда осудалик таъминланиб, жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига эришилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, яқинлашиб келаётган Наврўз байрамининг кўнгилдагидек ўтиши учун барчамиз бирдек масъулмиз. Зеро, огоҳ ва ҳушёр бўлган киши ўз уйи, маҳалласи ва Ватанини асрайди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ГУВОҲНОМА БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ДАСТУРЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган бир неча дастурларга гувоҳномалар берилди. Бундай гувоҳномалардан бири «Сигналлар модуляторлар ва демогулларини тадқиқ қилиш бўйича лаборатория ишлари» мажмуаси ҳисобланади.***

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамиятининг бир гуруҳ аъзолари самарали изланишлари маҳсули бўлган мазкур ишланма қатор афзалликларга эга, — деди муаллифлардан бири Григорий Цой. — Одатда, ўқитишнинг анъанавий усулларида фан бўйича олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларни ҳосил этиш учун хизмат қилувчи лаборатория машғулотларига катта аҳамият берилади. Ўқув жараёнига виртуал лабораторияларни киритиш йўли билан юқоридаги жараёнлардаги камчиликлар бартараф қилинади. Тайёрланган виртуал лаборатория ишларидан фақат лаборатория машғулотларидагина эмас, балки талабалар курс, битирув ҳамда илмий-тадқиқот ишларида ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Акбар АЛИЕВ**

# МАҲАЛЛАЛАРДА НАВРЎЗ НАФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана шундай эзгу анъаналаримизни асрлар оша шаклланиб, юртдошларимиз онгида сингишида, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни янада кенг қарор топтиришда маҳаллаларнинг ўрни беқиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳаллаларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларнинг яратилгани юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу кунларда юртимиздаги барча маҳаллаларда қариялар ҳолидан хабар олиш, янги боғлар барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларда ҳовли-жойларни, хиёбонларни тартибга келтириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилингани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Унга кўра, юртимизда ойлик доирасидаги тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Мақсад Наврўз байрамини муносиб нишонлаш, халқимизга хос эзгу фазилатларни янада юксалтириш, қишлоқ ва шаҳарлар, маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишдир. Тадбирлар самарадорлигини таъминлашда пойтахтдаги барча ташкилот ва корхоналар, айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаол иштирок этмоқда.

— Умумхалқ ҳашарида 993 минг нафар фуқаро, жумладан 608 минг нафар ёшлар иштирок этиши кутилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг масъул котиби Зуҳриддин Асомов. — Улар ёрдамида 1 минг 700 гектар майдон ободонлаштирилиб, 5 минг 450 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари ташилади. Шунингдек, 60 минг дона манзарали, 80 мингта мевали, 300 минг туп гул кўчатлари экилиб, 259 мингдан зиёд дарахтлар оқланади. Ҳашар тадбирлари давомида шаҳардаги 17 мингта кам таъминланган оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилади.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни кучли ва аниқ манзилли тарзда қўллаб-қувватлаш, миллий қадриятларимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшларга тўғри тушунтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

– Наврўз айёми арафасида маҳалламизни янада кўркам ва обод қилиш ҳаракатидамиз, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сергели тумани бўлими раиси Аким Жабборов. – Туманимизда 33 фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 192 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ҳозиргача «Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги» доирасида минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазиб, мингга яқин дарахтларга шакл бериб, оқлаб қўйилди.

17-18 март кунлари ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида қарийб 60 гектар майдон ободонлаштирилиб, ҳовли-жойларга, кўчаларга 15 минг донадан зиёд мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилади. Мавжуд дарахтларга шакл бериб, оқлаш, ариқлар ва лотокларни тозалаб, атрофни янада ободонлаштириш режалаштирилган.

Жорий йилда бўш турган ва фойдаланилмаётган ер майдонларига мевали дарахт кўчатлари экиб, янги боғлар яратиш мақсадида Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳозирда экилаётган, маҳаллий олимларимиз яратган манзарали ва мевали дарахтлар келгусида кўчалар кўркига кўрк бўлиб қўшилиши, шубҳасиз. Туманда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини ўзаро ҳамжиҳатликда ташкил этиш билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, қариялар ҳолидан хабар олиш каби эзгу амаллар ҳам доимий эътиборда.

Инсон манфаатлари ҳимояга олинган давлатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу кунларда Наврўз айёми муносабати билан кам таъминланган оилаларга гуруч ва ёғ тарқатиш тадбирлари бошланди. Ҳозирда Сергели туманида ҳам қарийб 500 оила бундай меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлди. Яна 700 га яқин оилага ана шундай байрам совғаси улашилади.

Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида ҳам Наврўз шодиёналарини муносиб кутиб олишга қизғин тадорик кўрилмоқда. Уч ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар доим барқарор. Ҳар йили маҳаллада тайёрланадиган сумалак таъмидан атрофдагилар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Байрамларда турли халқ ўйинлари, спорт мусобақалари ўтказилиши маҳалла аҳлининг Наврўзи оламни интиқлик билан кутишига сабаб бўлаётир.

Маҳаллада фаолият юритаётган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам ёшларнинг бундай тадбирларда фаол иштирокини таъминлаётир. Бу ерда 200 дан ортиқ ўғил-қиз спортнинг бир неча тури билан мунтазам шуғулланиб қатор спорт турлари бўйича мамлакат чемпионатларида муваффақиятли қатнашмоқда. Ўзбекистон терма жамоасига жалб этилаётгани маҳалла болаларининг спортга бўлган иштиёқини янада оширмоқда.

– Наврўз ободлик, меҳр-оқибат ва саховат байрамидир, – дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов. – Байрамга тайёргарлик жараёнида кўчалару йўлаклар, майдончаларни ободонлаштиряпмиз, мевали дарахтлар ва гул кўчатларини ўтқазяпмиз. Шу билан бирга, хонадонлардаги вазият билан яқиндан танишиб, кимга қандай кўмак зарурлигини аниқлаб, маҳалла фаоллари ўзаро баҳамжиҳат ҳал этяпмиз. Бу анъана оилалар мустаҳкамлиги, маҳалламиз тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётир.

Тинчлик-тотувлик, бирдамлик ҳукм сурган юртга Наврўзи олам каби байрамлар, шодиёналар ярашади. Мамлакатимиздаги барча маҳаллалар Наврўз айёмини ана шундай тинчлик-осойишталикда, кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқда.

Ҳамза туманида 55 маҳалла мавжуд бўлиб, унда турли миллат ва элат вакилларидан иборат 210 минг нафардан ортиқ киши тинч-тотув истиқомат қилади.

– Маҳалламизда 3100 нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди «Катта Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Зиёмуҳамедов. – Маҳалламиздаги кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган одамлар ва қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ҳозирдан бошланди. Жамиятимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва ўзаро ҳурмат муҳитида ана шундай хайрли ишларни янада кучайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Айни кунларда шаҳримизнинг барча маҳаллаларида Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш, бунда ҳар бир оилага эътибор қаратиш, уларга зарур кўмак бериш, ҳар бир одамга самимий муносабатда бўлиш маҳаллада тинчлик ҳамда фаровонликнинг қарор топишига хизмат қилиши хусусида тушунтириш тадбирлари олиб борилмоқда. Маҳаллаларда ўтказилаётган учрашув ва суҳбатларда, маърифий тадбирларда фуқароларга бепарволик ва масъулиятсизлик, болаларни қаровсиз қолдиришнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтирилмоқда. Наврўз шодиёнасини тинч, осойишта ҳамда шоду хуррамлик билан кутиб олиш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Янгиланиш ва яшариш байрами ҳар биримиз учун катта шодиёнадир. Неча асрлик тарихга эга Наврўз ҳақида кўплаб ривоятлар битилган, бу айёмни қанчалик хурсандчилик билан ўтказсак, табиат ҳам одамларга шунчалик саховат кўрсатади.Маълумки, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган, маънавий қадриятлар эъзозланадиган жойдагина юксалиш, тараққиёт бўлади. Юртимизда Наврўз айёмини кутиб олишга кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда ҳар биримиз ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор.

**Зиёда ВОҲИДОВА**

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ҲАМЖИҲАТЛИК УСТУНИ

Буни тўғри тушунган йигитдир, қиздир оила пойдеворининг пишиқ, пухта, мустаҳкам бўлиши, хонадонда баркамоллашиши учун ҳаракат қилади. 1966 йилда Шавкат Алиев билан турмуш қурган Озодахон ҳам шу нарсага катта эътибор берди. Оила пойдеворини мустаҳкам қилиш учун аввало борган хонадонидаги катта-кичиклар, айниқса, қайнота ва қайнонасининг меҳрини қозониши лозим эди. Онаси Санобар аядан режали иш тутишни, меҳнатсеварлик ва чаққонликни, ҳаракатда баракат бўлишини уқиб олгани унга қўл келди. Ахир, отаси Рихсивой Шарипов ўз даврининг зиёли, обрўли кишиларидан бўлгани учун қатағон қилинганди. Ўшанда онаси бир этак фарзандларни ўз ақли, заковати билан оёққа турғазган, ҳеч кимдан кам қилмасдан вояга етказган эди. Турмуш, ҳаёт мактабини ёшлигида ота-онасидан хўп ва кўп ўргангани учун у оила измига тез тушди. Бунда Шавкат аканинг муҳаббати, меҳри мадад бўлди.



***Инсоннинг энг эзгу туйғулари, ўйлари унинг қалбида жойлашади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир оиланинг гўшасини ўша оила ҳаётининг юраги, деса бўлади. Дунёда бирон-бир жонзот бошпанасиз яшамайди. Шундай экан, бир марта бериладиган ҳаётда инсон учун энг азиз, энг мўътабар жой ўз уйи, оиласи, гўшасидир.***

Ишни ҳам, уй юмушларини ҳам, сиртдан ўқишни ҳам уддалади. Улгурмаганларини тунда уйқудан кечиб бўлсада охирига етказарди. Боғчада фаолият кўрсатар, на катта, на кичик, ҳеч кимдан ширин сўзини аямасди. Қайнота ва қайнона эса ҳулқи хуш келинни дуо қилиб чарчамасди. Бу орада дунёга келган фарзандлар оиладаги меҳр ришталарини янада мустаҳкамлади. Оиладаги тинчлик, тотувлик, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат уларни ҳам маънан, ҳам моддий юксалтириб борди. Шавкат ака бахтидан мамнун ва масрур бўлиб, ҳар соҳада Озодахонга ҳаммаслак бўлди. Янги боғча очиш режасини айтганида маслаҳатини аямади. У оила мустаҳкамлигида асосий масъулият эрнинг зиммасида бўлишини яхши тушунарди. Қутлуғ келин қўни-қўшни, маҳалла-кўйнинг ҳам орзусига айланди.

Уйдаги гапни кўчага олиб чиқма, деб уқтирарди онаси. «Бахтингдан тахт яратиш ҳам, уни бой бериш ҳам ўз қўлингда». Онаизорининг ушбу ўгитларини Озодахон ёдда сақларди. Шу боис, қутлуғ даргоҳ, муқаддас оилага садоқатли бўлиб, унинг барча аъзоларини қадрлаб, ўзи ҳам иззатли бўлиб яшади. Хонадонни пок, саранжом-саришта сақлаб, қайнонасидан кейин уй фариштасига айланди. Нафақат оила билан маҳалла-кўйда, балки енгил металл конструкция заводи қошида болалар боғчасини очиб, ишчилар орасида ҳам ҳурмат топди. «Халқ таълими аълочиси» бўлди.

Хонадонида оиланинг садоқат, вафо, қадр, меҳр, ҳалоллик, поклик, самимият, андиша, имон каби қонун-қоидалари бардавом эди. Нонушта пайтида дастурхон атрофида барча жамулжам тўпланарди. Катталар бошламагунича, кичиклар таомга қўл узатмасди. Чойдан кейин хонадон қариялари барчани дуо билан ишга, ўқишга кузатишарди. Тонгда қилинган ният, дуо албатта, ижобат бўлғусидир. Хонадондаги ибратли удумларни кўриб маънан етук ота-она бағрида Шуҳратжон билан Нодирахон ҳам муносиб тарбия топишди, ҳулқи хуш фарзандлар бўлиб вояга етишди. Бугунги кунда улар ҳам ўз оилалари пойдеворини мустаҳкам қилиб, ширindan шакар фарзандларни тарбиялашмоқда. Ўз меҳнатлари билан эл корига яраб, раҳмат келтиришмоқда.

Алиевалар оиласи бугунги кунда тадбиркор, саховатбарорлиги билан ҳам тилга тушган. Хонадонга ёрдам сўраб келганларни бирортаси шу пайтга қадар қуруқ қайтмаган. Наврўз, Мустақиллик байрамларида яқин атрофдаги мажмуада ёзиладиган дастурхондан етти маҳалла миннатдор.

Озодахон бир айланиб, шинам ҳовли ҳавосидан тўйиб нафас олди. Дил-дилидан шукрона айтди. Кейин соатга қаради.

— Ҳали-замон дадангиз келадиган вақт бўлибди, дастурхон, овқатларинг тайёрми, — сўради ошхона томонга қараб.

— Ойижон-ей, ҳозиргина йўлдан келсангиз ҳам дадамни яхши кутиб олишни ўйлайсиз-а, — жавоб қилди келин ошхонадан. — Набираларингиз бўй етиб қолди-ку, ҳамон ўшасиз, а, ойижон.

— Ёш ўтган сайин, аксинча, оилага яна ҳам меҳринг ортиб бораркан. Уни мустаҳкам қилиш масъулиятини чуқурроқ тушунар экан одам. Сизлар ҳам доимо оилангизни қутлуғ билинг, кам бўлмайсиз, — у қўлида турли пишириқларни кўтариб чиқаётган қизи ва келинига меҳр билан боқди. — Куёвим ҳам кечки овқатга етиб келадиларми?

— Келаман дегандилар, — жавоб қилди Нодира. — Болалар ҳам ўқишдан чиқиб келишади.

Кўп ўтмай Шавкат ака ишдан қайтди. Бирин-кетин келган набираларини Озодахон суйиб-эркалади. Сўнгра ҳамма дастурхон атрофига тўпланди. Хонада шодлик, қувонч уфуриб турарди. Бир дам Шавкат ака билан Озодахон опанинг нигоҳлари тўқнашди. Ушбу қарашларда шукроналик, бахтиёрлик ва ҳурмат ифодаси мужассам эди.

**Муқаддас АБДУСАМАТОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

***«Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт суғурта компаниясида «Мустаҳкам оила» Давлат дастурига мувофиқ «Оила ва жамиятни мустаҳкамлашда суғуртанинг роли» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

# СУҒУРТАНИНГ ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЎРНИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирликлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган.

Халқаро фаолият юритиш, ҳудудларда тармоқларни ташкил этиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини мунтазам ошириш, мувофиқлаштирилган андеррайтинг, суғурта портфелини мувозанатлаштириш ва диверсификация қилиш борасида катта тажрибага эга «Ўзбекинвест» компанияси мамлакатимиз суғурта бозорида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

«Ўзбекинвест» компанияси бош директорининг ўринбосари Жамшид Ризаевнинг айтишича, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида компания ҳудудларда, айниқса, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларда янги бўлимларни ҳамда суғурта полисларини сотиш пунктларини ташкил этиш орқали ўз фаолияти кўламини кенгайтириш ишларини давом эттиради.

2012 йил давомида компания томонидан камида 8 туман бўлимларини очиш ва суғурта агентлари сонини кўпайтирган ҳолда, ҳудудларда агентлик тармоғини кенгайтириш режалаштирилган.

«Ўзбекинвест» компанияси кўрсатиладиган хизматлар турини кўпайтириш, замонавий IT-технологияларни жорий этиш, интернет-суғуртани ва «SMS-To`lov» электрон тўлов тизими ёрдамида полисларни компания веб-сайти орқали сотишни ривожлантиришни ҳам режалаштирмоқда.

Тадбирда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жумладан, қулай ҳамда шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва преференциялар бериш зарурлиги ҳақида гапирилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ, бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш зарур.

Семинар қатнашчилари «Ўзбекинвест» компаниясида суғурта марказини ташкил этишга эътибор қаратдилар. Бу марказ аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, мамлакатимизнинг чекка туманларида, кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтиришга кўмаклашади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига биноан компания томонидан аҳоли ва тадбиркорлар учун «Менинг оилам», «Менинг уйим», «Менинг автомобилим», «Менинг соғлиғим», «Менинг бизнесим» каби янги суғурта турлари ишлаб чиқилди.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

***Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.***

**Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

| | |
|---|---|
| «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси | тел.: 233-51-47 |
| «Тошавтобустранс» АК | тел.: 234-90-36 |
| «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 248-05-56 |
| «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ | тел.: 272-89-47, 272-68-52 |
| «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 290-70-17 |
| «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ | тел.: 263-38-80 |
| «5-такси саройи» МЧЖ | тел.: 280-60-54 |

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан,** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55 сонли ижро варақасига асосан, «Караван Холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЁАЖ УМ, «Концерн Карвон Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фоод» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторож» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютуқ» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнесс» МЧЖга тегишли мол-мулклари арзонлаштирилиб, жамланма сифатида такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 14 587 478 315 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 2 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 30 март куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz, Лицензия: RR-0001

**Ҳамшаҳарларимиз диққатига!**
**ДУК «СУВСОЗ»**

Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2012 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сув тарифларининг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 95 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

Оқава сув бўйича — 1м³ учун 52 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

**Ҳамшаҳарларимиз диққатига!**
**ДУК «СУВСОЗ»**
**«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

Электроэнергия нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2012 йил 1 апрелдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 193 сўм, ҚҚСсиз

Оқава сув бўйича — 1м³ учун 110 сўм, ҚҚСсиз.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси Умумий ва радиацион гигиена кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди, академия хотин-қизлар кенгаши раиси Л. Қ. Абдуқодированинг падари бузруквори

**Қобил ота ЎТАБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



***Наврўз – яшариш ва янгиланиш, мурувват ва саховат айёми. Юртимизда ушбу айём арафасида ижтимоий-тиббий кўмакка муҳтож, алоҳида эҳтиёжли, мураккаб тақдирли инсонларга, айниқса, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш яхши анъанага айланган.***

«Наврўз – 2012»

# МЕҲР-ЭЪТИБОР ОҒУШИДА



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволидан қатъи назар, ҳар бир ёшга билим олишда тенг шароит яратилиб, ҳар бир боланинг ҳуқуқлари таъминланмоқда. Айниқса, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни зарур ўқув-услубий воситалар, мебель, компьютер жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ибрат олишга арзигулик модель сифатида юксак баҳоланмоқда.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйида етти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган алоҳида эҳтиёжли болалар тарбияланади. Улар ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши учун тарбия масканида барча шароит мавжуд. Зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминланган машғулот хоналари, ахборот-ресурс маркази, ошхона ва шинам ётоқхона – болалар ихтиёрида.

Ўғил-қизларнинг таълимдан бўш вақтини унумли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида йигирмадан зиёд бадиий ижодиёт, фан, спорт-соғломлаштириш тўгараги ишлаб турибди. Улар фаолиятини замон талаби асосида ташкил этиш мақсадида ҳудудга яқин 7- ва 10-болалар мусиқа ва санъат мактаблари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натижада Меҳрибонлик уйида вояга етаётган болалар «Янги авлод», «Камалак жилоси», «Меҳржон» сингари республика кўрик-танловлари, ижодий фестиваллар, болалар расмлари кўргазмаларида фаол қатнашмоқда.

– Интеллектуал ривожланиши турли даражадаги болалар билан алоҳида шуғулланиш, уларни ижтимоий-тиббий реабилитация қилиш, айрим нуқсонларини бартараф этишга оид машғулотлар доимий ўтказилиши мурғак қалб соҳибларининг тиббий-психологик ривожида ижобий самараларни бермоқда, – дейди Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Феруза Усмонхўжаева. – Бунда тарбия масканимизда йўлга қўйилган ижтимоий педагогик-психологик хизмат ходимларининг ҳиссаси, айниқса, катта.

Ушбу ижтимоий хизматда юқори билим ва тажрибага эга шифокор-педиатр, ижтимоий ходим, дефектолог-тарбиячи, психолог каби мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир болага алоҳида ёндашув асосида, улар учун мослаштирилган коррекцион машғулотларнинг ўтказилиши ўғил-қизларни соғломлаштириш, ҳаётга, билим олишга бўлган қизиқишининг тобора ортишида муҳим омил бўлмоқда. Тарбияланувчилар 244-умумий ўрта таълим мактабида инклюзив таълим тамойиллари асосида билим олиб, жамиятга фаол интеграциялашмоқда. Болалар жамоада ўзини тутишга ўрганмоқда, уларнинг мулоқот кўникмалари шаклланиб, ўз-ўзига ишончи ортаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августда қабул қилинган «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мураккаб тақдирли болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни уй-жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётир. Мазкур қарорга кўра, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг уй-жойга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги тизимли ишлар натижасида ҳозиргача ушбу Меҳрибонлик уйида тарбияланган болалардан ўн нафари уйли бўлди.

Шу кунларда Меҳрибонлик уйида халқимизнинг севимли байрами – Наврўзга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Тарбия маскани ҳудуди ободонлаштирилиб, саранжом ҳолатга келтирилмоқда. Атрофга манзарали ва мевали дарахтлар, анвойи гул кўчатлари ўтказилмоқда. Бу жараёнда болаларнинг ҳам бевосита иштирок этаётгани улар қалби ва онгида ўзи туғилиб ўсган мўътабар заминга, она табиатга муҳаббат туйғусини тарбиялайди.

– Наврўз барчамизга янада кўпроқ қувонч, табиатга эса чирой бахш этади, – дейди ўн уч ёшли Шерзод Холиқов. – Дарсдан бўш вақтимда футбол, расм тўгарагига қатнашаман. Наврўз байрамига бағишлаб баҳор мавзусида расмлар чизяпман. Уларни Меҳрибонлик уйимизда ўтказиладиган кўргазмага тақдим этмоқчиман.

14 ёшли Ира Кочнова рақс тўгарагига қатнашади. У байрам куни Меҳрибонлик уйида ўтказиладиган мусиқий тадбир учун «Мажнунтол» рақсини ўрганмоқда. Наврўзга аталган байрамда болалар қўшиқчилик, хореография, тасвирий санъат каби йўналишлар билан бирга чеварлик, пазандаликка оид маҳоратини ҳам намойиш этадилар. Спорт мусобақалари, кўргазмалар, театрлаштирилган томошалар қутлуғ айёмга янада кўтаринкилик бағишлайди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

## ТЎРТЛИКЛАР

**Аё дўст, сўз айтсанг салмоғи бўлса,**
**Бир ғариб кўнглини олмоғи бўлса,**
**Малҳами болдайин, алами тиғдай**
**Жону жаҳонингда қолмоғи бўлса.**

* * *

**Юракда очилган гулни кўрдим мен,**
**Юраксиз яшаган дилни кўрдим мен.**
**Бинафша бўйини билмас бу одам,**
**Алқисса, қорнига қулни кўрдим мен.**

* * *

**Табиб тилагини табиат берар,**
**Гуллар гўзалликдан тарбият берар.**
**Райҳон рангга фойда,**
**бинафша дилга**
**Ҳар майса, ҳар гиёҳ хуш ният берар.**

* * *

**Гўзаллик қошида тиз чўкмоқ азал,**
**Гўзаллик қошида рашкнинг**
**ранги бор.**
**Ошиқ ҳар гўзалга кўз тиккан маҳал,**
**Гўзаллик қошида жонлар жанги бор.**

* * *

**Мен Ватан расмини кўзимга чиздим,**
**Хуш нафас олганда сўзимга чиздим.**
**Боболар руҳларин йўқлаган чоғим,**
**Бобур соғинчида бўзимга чиздим.**

* * *

**Тўрт мучанг соғ,бошинг омондир,**
**Яшаш учун энг зўр имкондир.**
**Тўрт тарафга тортган ҳавасинг,**
**Машаққатсиз бўлса ёлғондир.**

* * *

**Сотқин билан рўбарў келган**
**кунимдан куйдим,**
**Дод солсам биров билмас**
**чеккан унимдан куйдим.**
**Очиқ кўзда бемаврид тиғга**
**кўксимни тутиб**
**Номард учун бемақсад тўккан**
**хунимдан куйдим.**

* * *

**Ўйладим, ўйимда ғам, алам бисёр,**
**Куйладим, куйларим дарднок,**
**нолакор.**
**Англадим, қувончни қувиб етмайман,**
**Шодлик шаробидан тут,**
**Парвардигор.**

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ТОИР**

**Спорт янгиликлари**

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

***АҚШнинг Калифорния штатида теннис бўйича эркаклар ўртасида ташкиллаштирилган халқаро турнирни мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин муваффақиятли бошлади.***

Дунёнинг энг кучли теннисчилари қатнашаётган ушбу турнирдаги дастлабки учрашувини Денис Хитой тайпейилик Эн Син Луга қарши ўтказиб 7:6, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шунингдек, аргентиналик Хуан Игнасио Чела билан уюштирилган иккинчи баҳсда ҳам ишончли ўйин намойиш этган ҳамюртимиз уч сет натижаларига кўра 7:6, 6:7, 7:5 ҳисобида рақибини мағлуб этиб, турнирнинг кейинги босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Эндиликда Истомин мазкур турнирда бешинчи рақамда сараланган испаниялик Давид Ферререга қарши кортга чиқади.

***Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган VI халқаро турнир қизғин паллага кирди.***

## ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛМОҚДА

Курраи заминнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган юздан ортиқ «ақл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун курашаётган ушбу нуфузли турнирнинг олтинчи тури ҳам ортда қолди.

Олтинчи турдан сўнг бештадан очко жамғарган саккиз нафар гроссмейстер бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Улар орасида ҳамюртимиз халқаро гроссмейстер Антон Филипповнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради. Олтинчи турда қозоғистонлик Азамат Улхоновга қарши қора доналарда ўйнаган Антон ажойиб комбинациялар ишлатиб 62-юришдан сўнг баҳсни ўз фойдасига ҳал эта олди.

Ҳамюртимиз, халқаро гроссмейстер Марат Жумаев ушбу турда беларуслик Сергей Азаровга қарши оқ доналарда ўйнаб рақибини 42-юришда мот қилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

«01»

## ОДДИЙ ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

***Аксарият ёнғин ҳолатлари фуқароларнинг айби билан юзага келади, бундан айнан ёнғин сабабчиларининг ўзи жабр кўради.***

Баъзи бир корхона ҳамда маъмурий биноларда, ўқув даргоҳлари, даволаш масканларида, айниқса, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга беparволик сабаб ёнғинлар содир бўлмоқда. Ёнғинларга асосий сабаблардан бири – газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликдир. Таҳлиллар яна шуни кўрсатдики, қаровсиз қолган болаларнинг ўт ёқиши, чўғ билан ўйнаши, баъзан эса тез алангаланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлиги оила учун қимматга тушмоқда.

Ҳаётий фаолиятим давомида ёнғин сабаб яқинларидан айрилиб, аянчли аҳволга тушиб қолган кишиларни кўп бор кузатганман. Бундай вазиятда киши ўзини қанчалик айбламасин ёки жазоламасин, юз берган кўнгилсизлик воқеани ортга қайтариб, уни бартараф этолмайди. Ён-атрофимиздаги юзага келаётган бу каби ҳолатлар ҳар биримиз учун бир умрга татигулик дарс бўлиши лозим.

Шу сабаб, ҳар бир фуқаро қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг аввало очиқ оловдан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, носоз ҳамда қўлбола тайёрланган газ ва электр асбобларидан воз кечиш, шунингдек, белгиланмаган жойларда чекмаслик керак.

Агар шу каби оддий қоидаларга амал қилсак, бошимиздан фалокат ариб, байрамларимиз кўнгилдагидек ўтади.

**Ф. АРИПБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ХЁХО 24-ХЁХК катта инспектори, сержант**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Бектемир тумани СИБ томонидан Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:** 1. «Ваз-2106» русумли д/р 30J4775 бўлган 1976 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.01.2011й, №1-13. Бошланғич баҳоси – 2 425 896 сўм 54 тийин. 2. «ВАЗ-21061» русумли д/р 01S078AA бўлган 1996 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.05.2011й, №1-422. Бошланғич баҳоси – 6 215 940 сўм. 3. «Москвич-412» русумли д/р 30I1541 бўлган 1987 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010й, №1-45. Бошланғич баҳоси – 291 149 сўм 96 тийин.

4. «ВАЗ-2106» русумли д/р 10L6291 бўлган 1989 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.03.2011й, №1-153. Бошланғич баҳоси – 2 477 782 сўм 98 тийин. 5. «М 21-УС» русумли д/р 11K2070 бўлган 1963 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009й, №1-674. Бошланғич баҳоси – 2 293 478 сўм 37 тийин. 6. «Газ-2401» русумли д/р 30D1949 бўлган и/ч йили номаълум, носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.10.2009й. Бошланғич баҳоси – 265 565 сўм 72 тийин.

**Аукцион савдоси 2012 йил 10 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 апрель куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият.**

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ**
**Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **16 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража илиқ, кундузи 10 даража иссиқ атрофида бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5